

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 21-iyun • № 26 (3660)


## ФОЛКЛОР-ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛЛАР ТАНЛОВИ

Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, шу жойнинг ўзига хос яллаю наволари, аллаю лапарлари, жозибадор, бетакрор ўйинлари, гўзал урф-одатларини кўриб, ўзбек фолклори, халқ оғзаки ижодиётининг нақадар бойлигидан завқланасиз. Халқ ижодиётининг бу бебаҳо дурдоналари жаҳон халқлари маънавий маданияти равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бу борада фолклор-этнографик ансамблларнинг ўрни бениҳоя катта.

Кеча Қашқадарёнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Китоб туманида фолклор-этнографик ансамблларнинг олтинчи республика кўрик танлови ўз ишини бошлади. Маданият ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти маркази, Телерадиокомпания, «Олтин мерос», «Нуроний», «Маҳалла» хайрия жамғармалари, «Байналмилал» маданият маркази Қашқадарё вилояти маданият ишлари бошқармаси ҳамда Китоб тумани хокимлиги ҳамкорликда ўтказаётган мазкур тадбир Қарияларни қадрлаш йилига бағишланади. Уч кун давом этадиган танлов доирасида иштирокчилар Китоб тумани меҳнат жамоалари, маҳаллалар ва ташкилотларда ижодий учрашувлар ўтказадилар. Тадбир ғолибларнинг якунловчи концерти билан ниҳоясига етади.

Кўрик-танлов ҳақидаги батафсил маълумотни газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз.



## ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ноёб миллий мусиқамизнинг авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб боришида халқ созандалари, бастакорлар, хусусан, созчи усталарнинг хам хизматлари бениҳоя катта. Устанинг заҳматкаш қўллари тут дарахти дейсизми, бошқа хил хом ашёлар дейсизми — уларга зеб бериб чолғу асбобини яратади. Созанда эса созга жон бағишлаб, турфа куйлар ижод қилади.

Амалий санъат музейида Халқ ижодиёти ва маданий- маърифий ишлар илмий-услубият маркази, «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорликда ана шундай созлар кўргазмасини ташкил этди. Унда XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган Уста Усмон Зуфаров, Муҳаммад Ошим, Абдунаби Абдуғафуров, Ҳусан Зокиров каби усталар ясаган карнай, чанг, дутор, най, рубоб, уд ва бошқа созлар намойиш этилмоқда. «Янграр созим» деб номланган мазкур кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан халқ амалий санъати музейи директори, санъатшунос Т.Дустаев, Консерваториянинг миллий чолғулар ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси директори О.Тошматова, Халқ ижодиёти маркази раҳбарлари ва бошқалар намойиш этилган созларнинг тарихи ҳақида сўзладилар.

**Шаҳрибону СУЮНОВА**

## ХОТИРА АНЖУМАНИ

Андижон вилоятида таниқли ёзувчи ва шоира Саида Зуннунова хотирасига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. 19 июн куни эрталаб Андижон шаҳридаги А.Навоий боғи чойхонасида адиба маҳалладошлари ва ижодкор зиёлилар учун С.Зуннунова хотирасига бағишлаб ош берилди. Шу куни Бобур номидаги Андижон вилоят театри зиёлилар, ижодкорлар билан гавжум бўлди. Хотира анжуманини вилоят ҳокими ўринбосари Азизбек Содиқов очди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таниқли шоира Саида Зуннунованинг ижодий мероси, Андижон ва андижонликлар ҳақида сўзлаб, вилоятда маънавият ва маърифатга сўнгги йилларда ниҳоятда катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева, адиба Олмос Аҳмедова, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, Саида опанинг ёшликдаги дугонаси педагог Меҳринисо Ашуровалар сўзга чиқишиб, адиба ижодининг турли қирралари ҳақида сўзладилар ва Саида Зуннунова ҳақидаги хотираларини эсга олдилар. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом адиблар Саида Зуннунова ва Саид Аҳмадга бағишланган «Оқ гул» достонидан парчалар ўқиди. Вилоят санъаткорлари эса Саида Зуннунова шеърлари асосида айтиладиган қўшиқлардан куйлаб, хотира кечасига файз бағишладилар.

Худди шундай тадбирлар Саида Зуннунова номидаги Бўз педагогика коллежида ҳамда Избоскан туманининг Тўрткўл қишлоғида С.Зуннунова ишлаган 11-ўрта мактабда ҳам бўлиб ўтди. Бу тадбирларда таниқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ҳам иштирок этиб, Саида Зуннунова билан кечган умр йўллари ҳақида сўзлади. Шоиралар Турсуной Содиқова, Зулфия Мўминова, Фарида Афрўз С.Зуннуновага бағишланган шеърларидан ўқидилар.

**Қамчибек КЕНЖА**

## РИЗҚ-РЎЗ БУНЁДКОРЛАРИ ҲУЗУРИДА

Бу йил ғаллакор деҳқонларимиз ҳар қачонгидан мўл дон ҳосили етиштирдилар. Бирин-кетин давлатга ғалла сотиш шартнома режаларини бажараётган туманлардан сўнг вилоятлар ҳам зиммаларидаги ғалла етиштириш режаларини уддалаганликлари ҳақида хушхабарлар олинмоқда.

Ғаллакору пахтакорнинг ташвишлари ортган айни кунларда улар билан ижодкорларимиз учрашувлари ҳам қизғин тус олмоқда. Яқинда шундай учрашувлардан бири Андижон вилоятидаги Марҳамат туманининг "Машъал" ширкат хўжалиги дала шийпонида бўлиб ўтди. Ризқ-рўз бунёдкорлари ҳузурига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ижодкор дўстлари билан бирга ташриф буюрди.

Қизғин мулоқот чоғида деҳқонлар ўзларининг она заминга меҳр қўйиб амалга ошираётган фидокорона меҳнатлари, ерга ҳақиқий эгалик туйғусининг шаклланаётгани, бу саъй-ҳаракатлар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, зироатчиликда замонавий технологияларни жорий этишда ғоятда қўл келаётгани ҳақида сўзлаб беришди. Ва айни чоғда қаҳрамон шоиримизга ўзларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволлар билан мурожаат қилдилар. Абдулла Орипов ноз-неъмат бунёдкорларининг мамлакат фаровонлигини таъминлашдаги фидойи меҳнатларига таҳсин айтди. Шундан сўнг ғаллакору пахтакорлар шоирнинг янги шеърларини мароқ билан тинглаб, ташриф учун миннатдорлик билдиришди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллиги олдидан Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши "Бобуршоҳ — давлат арбоби, шоир, олим ва буюк саркарда" мавзуида китобхонлар анжумани ўтказди.

## КИТОБХОНЛАР ҲУЗУРИДА

Унда "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони" романлари муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров Бобур ижоди нафақат ўзбек маданияти, балки жаҳон маданиятига ҳам салмоқли ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтди.

Учрашувда, шунингдек, Бобур номидаги халқаро жамғарма президенти Зокиржон Машрабов, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов ва бошқа меҳмонлар буюк шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида китобхонларга сўзлаб беришди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га жавоб берадилар

## ЖИНОИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

**Газетамизнинг шу йил 19 апрел сонида эълон қилинган «Қишлоққа ҳаммом керакми?» сарлавҳали мақолада Пастдарғом туман С.Маллаев номидаги ширкат хўжалигида хусусийлаштириш баҳонасида умум мулки талон-тарож этилаётгани танқид қилинган эди. Мақола юзасидан Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси А.Азизовдан қуйидаги расмий жавоб олинди:**

«Пастдарғом туманидаги С.Маллаев (собиқ «Машъал») номли ширкат хўжалигида туман ички ишлар бўлими томонидан 2002 йил март ойида текшириш ўтказилган. Текширишда хўжалик бошқарувининг собиқ раиси А.Гадоев мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, хўжаликка қарашли мол-мулкларни ғайриқонуний равишда сотиб юборгани ва талон-тарож қилганлиги аниқланган.

Шу иш юзасидан 2002 йил 9 апрелда Пастдарғом туман ички ишлар бўлими томонидан хўжалик бошқарувининг собиқ раиси А.Гадоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**А. АЗИЗОВ,**
**Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари**

## ҲОКИМ ЮРМАГАН ЙЎЛЛАР

Пойтахтимиз кундан кунга чирой очиб бормоқда. Бунинг исботини ҳар қадамда кўриш мумкин. Ҳар йили кўплаб янги бинолар, иншоотлар қурилмоқда. Айниқса, янги қурилган кўприклар, кенг ва текис йўллар кишининг ҳавасини келтиради.

Бундай йўллардан юрганда, ҳайдовчи уни қурганларга раҳматлар айтади. Лекин унинг олдидан ўйдим-чуқур, баланд-паст йўлли кўча чиқиб қолсачи?

Йўлнинг бу жиҳатларини бежиз тилга олмадик. Минг афсуски, пойтахтимизда ўйдим-чуқур, баланд-паст кўчалар ҳам мавжуд. Бундай йўллардан кечқурун транспортда тугул, пиёда юрсангиз ҳам қоқилиб йиқиласиз. Бу кўчаларнинг кенг, равон марказий кўчаларга келиб туташгани эса худди янги кўйлакка тушган ямоққа ўхшайди.

Ал-Хоразмий мавзеидаги Гулистон кўчасининг ҳозирги ҳолати бунга мисол бўла олади. Шу маҳаллага туташ А.Икромов тумани марказий поликлиникаси ёнидаги кўчалар ҳам қишда лойга, ёзда чанг-тўзонга ботиб ётади. Йўлнинг ўнқир-чўнқирлигини гапирмаса ҳам бўлади.

Булар мисол учун олинган айрим кўчалар, холос. Бундай носоз йўлли кўчалар, афсуски, оз эмас. Марказий кўчаларга ёндош бўлган кичик кўчаларнинг аксариятида шу аҳволнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, нега кичик йўллар яроқсиз аҳволга келиб қолган? Нега катта-катта қурилишлар тез битиб кетаётган айни кунларда кичик йўлларни таъмирлашнинг имкони бўлмаяпти? Уларнинг айби катта кўча бўлмаганлигими?

Бу йўллардан ҳоким юрмайди, – дейди бир ҳайдовчи ярим чин, ярим ҳазил оҳангда. – Шунинг учун унинг қандайлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди, унга умуман эътибор берилмайди.

Бордию туман ҳокимлари бундай кўчалардан юрмас, бироқ уларнинг шу ишга мутасадди бўлган ўринбосарлари ҳам фақат катта йўллардан ўтишадими? Ахир Тошкент жуда катта шаҳар. Унинг қанчадан-қанча турар жой даҳалари, уларни бир-бири билан боғловчи ўнлаб кўчалари мавжуд-ку. Уларнинг аҳволига ким қарайди? Эҳтимол, биз бундай саволни қўймасдик. Лекин ҳокимларнинг назари тушмайдиган кўчаларнинг кўпайиб бораётгани, уларнинг таъмири билан шуғулланиш унутилаётганлиги боис шаҳар ободончилиги мутасаддилари, шаҳар туманлари ҳокимликларига шундай савол билан мурожаат қилмоқдамиз. Ҳокимларнинг кичик кўчалардан ўтмаслиги йўлни таъмирламаса ҳам бўлади, дегани эмас.

Ахир, йўл ҳокимга кўрсатиш учун эмас, транспорт, йўловчи қатновини осонлаштириш учун қурилади-ку.

Хуллас, пойтахтимиз ҳуснини бузиб турган бундай муаммоларга шаҳар мутасаддилари ўз муносабатларини билдиришади, деган умиддамиз.

**Б.МАМАДИ**

## "КЫМХО — АСИАНА" ЎЗБЕКИСТОНДА



Япония ва Кореяда ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳамда Корея республикасининг МДҲ давлатлари билан ўрнатган дипломатик алоқалари ўн йиллиги муносабати билан Корея республикасининг Туризм ва Маданият вазирлиги машҳур "Кымхо-Асиана" квартетининг МДҲ давлатлари бўйлаб гастрол концертини ташкил этди.

Дастлаб Россия, Украина, Белорусия, Грузия, Қозоғистон давлатларида концерт берган ансамбл Ўзбекистонга ҳам етиб келди.

"Кымхо-Асиана" квартети 1990 йил "Асиана Эйрлайнз", "Кымхо бизнес групп" ва "Кымхо" маданият фонди ҳамкорлигида ташкил топган. Сон Ён Хун (виолончел), Ли Гён Сон (скрипка), Жозеф Ким (скрипка) ва Ким Сан Чжин (алт)лардан иборат ансамбл аввал Корея республикасида, сўнг жаҳоннинг барча йирик шаҳарларида ўз концертларини берган. АҚШдаги Линколн ҳамда Кеннеди номидаги санъат залларида, Амстердамдаги Концертгебау, Берлиндаги Шаушпилхаус залларида, Венадаги Палфи саройининг Бетховен залида ҳамда Будапештнинг Миллий филармония концерт залида намойиш этилган концертлар олқишларга сазовор бўлган.

Ансамблнинг юртимиздаги концерти Алишер Навоий номидаги театрда бўлди. Концертда жаҳоннинг машҳур композиторлари Моцарт, Дмитрий Шостакович, Бенжамин Бриттен асарлари ижро этилди.

Концерт дастури олдидан ўтказилган матбуот конференциясида ансамбл қатнашчилари МДҲ давлатлари ичида улар учун энг манзури Ўзбекистон бўлганлигини эътироф этишди.

**Муслим МИРЗАЖОНОВ**


Бу сонда:

→2 АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АҲМАД ПОШО

→3 КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



→4 ОРИЯТ


Акс—садо

## МУАЛЛИМГА СОВҒА КЕРАКМИ?

Газетанинг 14 июн сонида чоп этилган мақолани ўқиб, тўғриси, қувондим. Мақолада мактабларда анъанага айланиб бораётган кераксиз дабдабалар, сарф-харажатлар тилга олинибди. Дарҳақиқат, ҳозир булар кўплаб ота-оналарни ўйлантираётган, қийнаётган муаммолардир.

Дабдабали битирув кечаларини ўтказиш, ўқитувчиларга нархи осмондаги совғаларни тақдим этиш барча оилаларга ҳам оғирлик қилиши шубҳасиз. Бундай одатларни чеклаш, керак бўлса, тўхтатиш пайти келмадими?

Яқинда лицейни битираётган ўғлимга ремонт учун 10000 сўм олиб кел, дейишибди. Ремонт пули келмагунча лицейни битирганлиги ҳақидаги ҳужжатни беришмас эмиш. Бу гапни эшитиб жаҳлим чиқди, ўғлимга пул бермадим.

Бу қанақа тартиб? Уни ким ўйлаб топаяпти? Наҳотки, ўқув юртлари раҳбарлари битирувчига ҳужжат беришни рўкач қилиб, ундан бир нима ундириб қолиш пайида бўлсалар? Бу уят эмасми, ахир?

**Г.СОДИҚОВА**

## БИЛДИРИШ

27 июн, соат 15.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Абдулла Авлоний номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари билан шоир ва ёзувчиларнинг ижодий учрашуви бўлади.

Учрашувга барча қизиққанлар таклиф этилади.

*Манзил: Ж.Неру кўчаси, 1-уй.*

28 июн, соат 10.00да Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида

**ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ**

ўтказилади. Барча қизиққанлар таклиф этилади.

*Манзил: Тошкент, Ю.Ражабий, 77.*

Янги томоша

## "ТУРНА ПАТЛАРИ" ЁШЛАР САҲНАСИДА

Й.Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри саҳнасида «Турна патлари» спектаклини мириқиб томоша қилдим. Олимжон Салимов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ ўз олдига қўйилган вазифани муваффақиятли уддалабди.

Япон эртагининг сюжети жуда оддий. Отилган қушни Йохйо исмли йигит қутқариб қолади. Йигитдан миннатдор қуш Цу исмли қизга айланади ва унга хотин бўлиб, уйида қолади. Цунинг муҳаббати шундай кучлики, ўзини қурбон қилиб турнага айланади ва ўз патларидан сеҳрли газлама тўқийди. Ана шу газлама туфайли турмуш ўртоғи камбағалликдан қутулганидан Цу ниҳоятда бахтиёр. Бироқ бу бахтни одамлардаги очкўзлик ва ҳасад барбод қилади. Аёл қайтадан қушга айланиб, учиб кетади.

Хўш, буларнинг барчаси саҳнада қандай акс этган?

Олимжон Салимов кучли режиссёрлар сирасидан. Унинг спектакллари саҳнавий ҳаракатларнинг кенг миқёси ва тўлиқлиги билан ажралиб туради. Бу эса воқеаларнинг ҳаққонийлигини ҳис этишга ёрдам беради.

Режиссёр сценарий материалининг ва техник имкониятларнинг чекланганига қарамай, ёрқин образлар яратишга муваффақ бўлган. Саҳнага юқоридан туширилган нарса қор қоплами ва қор тепаликлари вазифасини ўтайди, бироз кўтарилган ва бир неча жойидан қайтарилган қисми том шаклини олган. Бироқ ана шу осиғлиқ нарса қимирлаб кетганда, матонинг ялтироқлари кўзга ташланади ва кўз ўнгингизда аёл—турна тўқиган сеҳрли мато турганини сезиб қоласиз.

Спектаклнинг асосий ютуқларидан бири Зебо Наврўзова ижросидаги Цу ролидир. Балет пантомималари – қушнинг парвози, Цунинг изтироблари ниҳоятда профессионал ижро этилган. Саҳнадаги тез-тез ўтишлар, кескин ҳаракатлар, бошнинг бурилишлари, эрига худди қуш қичқириғига ўхшатиб исмини айтиб мурожаат қилишлари – бу каби топилмаларнинг ҳаммаси актриса ижросидаги аёл—турна образини бойитишга хизмат қилган.

Постановкачи рассом Марина Иванян ва хореограф Лилия Севастиянова спектакл ютуғига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Бироқ ютуқни таъминлаган асосий омил Олимжон Салимовнинг беқиёс фантазияларидир.

**Муяссар МАҚСУДОВА**



**Суратда:** Зебо Наврўзова Цу ролида.

Қуюнчақ газетхон ёзади

## ҚЎЙЛИҚДАГИ "ЛА-МАНШ"

Пойтахтимиздаги Қўйлиқ деҳқон бозори ҳамда буюм бозорларини боғловчи ер ости йўлаги қурилиб, фойдаланишга топширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. У ерга ўрнатилган ёритгичлар ёнганини ҳечам кўрмаганман. Яқинда бу ерда бир қизиқ «манзара»нинг гувоҳи бўлдим. Еростм йўлаги сунъий сув ҳавзасига айланиб қолибди. Одамлар у бозордан бунисига ёки автобус бекатига ўтишаётганларида ер ости йўлидан товуқдай сакраб ўтишаяпти. Аравача тортган болаларнинг бозори чаққон. Бир киши учун бир томондан иккинчи томонга ўтказиб қўйиш 50 сўм. Кимдир қизиқчилик учун, яна кимдир шошганидан аравачалардан фойдаланаяпти. Айримлар тепадан-халқа йўли орқали, машиналар қатновига ҳалақит бериб ҳамда ҳаётларини хавф остига қўйиб йўлни кесиб ўтишмоқда. Автоназоратчиларнинг хуштаги тинмайди. Уларга ҳам осонмас. Автоулов ҳайдовчисини тартибга чақирсинми ёки қоидабузар йўловчини огоҳлантирсинми?

Энг ачинарлиси, икки ҳафтадан буён ҳеч ким бу ер ости йўлини сувдан тозалаш ҳақида ўйлаётгани йўқ.

**А.СУЛАЙМОНОВ**

# ҒОҲО ХАЁЛ АҚЛНИ ПЕШЛАР



Илҳом АҲРОР

Теран тушунгандан куйни кўзларинг,
Атрофга назокат сочиб ёнади.
Куй ёзуви тушган қалбларга фақат,
Фақат сенинг нигоҳларинг инади.

Назарингта қарши гумон-гузарлар,
Ташрифга берк бўлган ҳар эшик — чоғинг.
Муҳаббат, айрилма, куйдан айрилма —
Битта ҳам нодонга етмасин оҳинг!

* * *

Сен бедавони
қай тариқат, қай дин даволар.
Сен — бенавони
нега тарк этмайди наволар,
нечун нафасингни тушунмай
Ўзини ичингта урар ҳаволар?!

* * *

Майса-ўтларни
қовжиращдан асраган анҳор
оқмаяпти эрмакка:
сокин дарди — сувидан
бермайди элакка.

УЧЛИКЛАР

Хаёлга толмоқ ҳам ақлинг пешлайди:
туялар қақшаган ўтли саҳрода
нимжон чумолилар, балки, яшайди!

* * *

Тирноқ билан этнинг
орасига кирган зирапчадек
оғир дарди борми дунёнинг?!

* * *

Қандай яшар, тушди қай куйга
ҳол сўргани борай, десам
киритмайди мени уйига.

* * *

Жон бор — сел талошида,
сой сувида нажот бор,
Таъма бор кўз ёшида.

* * *

Зулфизар,
нозланиб кирсанг
кулбам деворига нон ёпса бўлар!

* * *

Кўз ёшимни
эплашим учун
бу гал мени қўллади ёмғир.

* * *

Уни тақдирлади маълум оломон.
Ёраб, қувонсинми, хафа бўлсинми:
Қўлладингми уни, жазоладингми?!

ТЎРТЛИКЛАР

Нафси қадамимни кўп олқишлайди,
Кечай деса, нафи дилни ғашлайди:
Хасислиги нафас олмоққа қўймас,
Ақл нури эса жон бағишлайди!

* * *

Ғанимга илтифот кўрсатган эдим,
Мендан хафа бўлди, астойдил, дўстим.
Унга: йиқар бўлса полвонни полвон
Рақиб белбоғидан тутар-ку, дедим.

* * *

Сийқа, гуппи гапдан ҳаволаб кетар,
Ҳар сўзи жисмидай қадрсиз ўтар.
Ердаги хазондай — ҳикмат олдида,
Бир ҳазилга юз изоҳ талаб этар.

* * *

Инсон инсон учун асрар ғам юкин,
Наҳот бу дунёда энг серунум—кин?!
Ҳаётинг мазмуни—зурриёдинг ҳам,
Оҳ, уларнинг бири бўлмоғи мумкин.

* * *

Кимгадир билдирмай яхшилик қилмоқ
Қандоқ бағишлайди жонингга ҳузур.
Гапимни бир одам қолдирса ерга
Менга бу ҳам роҳат, яхшилар, узр...

* * *

Ўтар бўлсам бир кун дунёдан,
Сўрасалар мен ҳақда сендан.
Сени қийнардими, дейишса,
Йиғлаб юбормагин, севгилим!

КУНЛАР

Ҳар кимга эргашар, дея, ўйлама,
Шундай боғлангандир одамга одам.
Кимнингдир зикрига, кимнинг фикрига,
Кимнингдир шаънига руҳингдир ҳамдам.

Бировнинг шавкати кимгадир эрмак,
Қуруқ савлатлардан фойда кўзларлар.
Бу дунё ҳаваси ҳаводай санғи..,
Кунлар — ўз ҳуснига маҳлиё қизлар...

# МУҲАББАТ — КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

## Қизлар мушоираси



Нилуфар ЖАББОРОВА

Онажон!
Сизга бемалол дард айтмоқ мумкин,
Бағрингизга баргдек тўкилмоқ мумкин.
Унда қуёш каби чарақлаб кулмоқ
Ва ойдек юксалиб яйрамоқ мумкин.

Онажон!
Юрагимга яқин бўйлаб борасиз,
Орзу гулшанига чорлаб борасиз.
Шундайин дамларда, не қилай, она,
Сиз шеърим сатрига сиғмай қоласиз.

Онажон!
Ҳисларим ифори таралган замон,
Қисмат тиғи дилни яралаган он.
Минг бора шукрона айтай, ёнимда
Сиз борсиз, онажон, сиз бор, онажон!

* * *

Маҳзунлик тубига чўккан гул мисол
Хаёл денгизига чўкиб бораман.
Ўзимни унутиб чун паришонҳол
Шундай кенг дунёга сиғмай қоламан.

Сенмисан, эй осмон, бағринг чеки йўқ,
Бағрингда мен учун бир жой бормикан?
Қанча юлдузларни сиғдирган бағринг
Мендек митти юлдуз учун тормикан?!

Сенмисан, эй замин, қанча инсонга
Бағридан жой берган саховатли қалб.
Бир нозик гулингман, лутф этиб менга,
Кафтингга кўтаргил суйиб, ардоқлаб.

Томиримда оққан қон
Танимга жон беради.
Қалбимдаги ҳисларим
Кўзни ёшлантиради...

ДИЛ ИЗҲОРИ

Дилимнинг кўзгуси,
Қалбимнинг тори.
Ҳаётим чироғи,
Ақлим маёғи.
Ёшликнинг беғубор орзуси, оҳи,
Хаёлнинг тенги йўқ, ушалмас зори.
Руҳим посбонидир, кўнглимнинг боғи,
Юракнинг пинҳоний гўзал асрори,
Вужудим вулқони, оташ тимсоли.

* * *

Қалбим тўлиб севгидан бу кун
Мен шодману дилим зорланар.
Ҳис-туйғуга тўлган юракдан
Фақат Сизга, жоним, жой қолар.

Қоронғу тун мовий осмонда,
Ёғду сочар ойу-юлдузлар.
Ҳар сония, ҳар дақиқада
Қалбим эса Сизга талпинар.

Зуҳра СОБИРОВА

Талпинаман парвона мисол,
Васлингизни сўрайман ойдан.
Маъюс, маҳзун жилмаяр ҳилол,
Бир хушхабар кутаман сойдан.

Майсаларга қўяман бошим,
Кўз ёшларим айлайман шабнам.
Соғмисизлар менинг қондошим?!...
Нигоҳимга муҳрланар ғам.

Чоғланаман олис йўлларга,
Айрилиқмас орзуим, зотан.
Қарай олмай ёшли кўзимга
Йиғлаб қолар ортимдан севган...

Қадам ташлаб бораман оғир,
Қадоқ айлар қисмат кафтларин,
Ҳижронли уй елкамдан босар,
Висол босар соғинч тафтларин.

Узун тунлар кўкка термулиб,
Юлдузлардан сизни сўрайман.
Самолардан бахт қуши кутиб,
Сиз томонга бўйлаб қарайман...

* * *

Сўзлашамиз ҳар хил мавзуда,
Оташ юракларда сеҳрли хилқат.
Уни ҳаммага ҳам қилмасмиз ошкор,
Юраклар қаърида пинҳон муҳаббат.

Баҳорнинг ҳуснига ярашган гулдек
Ёш умрга сайқал берар ҳамма вақт.
Бегонага ошкор қилгимиз келмас,
Чунки дил қаърида маржон муҳаббат.

Шарпадек хаёлдан ўтса ёр васли,
Сездирмай энтикиб кўярмиз фақат.
Ишқ ўтида юзлар лов-лов ёнади,
Офтобдан тафт олган олов муҳаббат.

Кўз-кўзга тушганда сўзлашар унсиз,
Ишқ аҳлига тилаб нурли саодат.
Инсон яшамасди бунча тизгинсиз
Юраклар қаърида сўнса муҳаббат!



Нилуфар ИСҲОҚОВА

Муҳаббат — икки дил, икки қалб тори,
Муҳаббат — гўзаллик, нафосат боғи.
Муҳаббат — ширин сўз, меҳр изҳори,
Муҳаббат — беқиёс кўнгил чироғи.

Муҳаббат гуллатар, безар ҳаётни—
Эслатар бамисли Боғи Эрамни.
Муҳаббат шабнами асалдек тотли,
Ғунчадек мафтункор, хушбўй тарамли...

КЎНГИЛ

Хаёлим, ўйим, дилим
Сендадир севгим маним.
Нечун ғунча севгимни
Очилмай нобуд қилдим.

# БЕҒУБОР ИНСОН ЭДИ...



Ҳаётда ҳаммага – каттаю кичикка бирдай одамлар бўлади. Уларни етти яшар бола ҳам, етмиш яшар кекса ҳам ҳурмат қилади. Шоир Толиб Йўлдош ана шундай кўпчиликка манзур инсонлардан эди. Толиб акани Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор каби устозлар ва замондош шоиру адиблар ҳам иззат-ҳурмат қилардилар, ўзларига яқин олардилар. Гап шундаки, улар Толиб акани фақат инсон сифатида эмас, балки шоир сифатида ҳам қадрлардилар. Масалан, Асқад Мухтор «у фақат қалб амри билан, ички бир эҳтиёж билан» ёзади, деб шоирнинг содда, инсоний меҳр билан нурланиб турган шеърларининг муносиб баҳосини берганди.

Бу очиқкўнгил, содда, беғубор шоирнинг шеърлари ҳам ўзи каби содда, беғубор инсоний туйғуларга йўғрилган эди. Бу унинг болаларга аталган асарларига ҳам, катталарга мўлжалланган асарларига ҳам тааллуқлидир. Бу хусусият Толиб Йўлдошнинг истиқлол йилларидаги ижодига ҳам хосдир. Шу боис у мустақиллигимизнинг етти йиллигида «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

Мана, унинг бир банд шеъри:

**Ким дўстсиз яшабди, ҳаётда танҳо –**
**Ғурбатда ғарибу тутаб ўтибди.**
**Тушкунлик балоси ўртаб бағрини,**
**Ҳар неки шодлигин мутаб ўтибди.**

Бундай мисралар шоир Толиб Йўлдош адабий меросида кўп.

Ҳа, Толиб Йўлдош фоний дунёдан боқий дунёга кўчди. Энди бу хоксор, камсуқум, беғубор инсонни Тошкент кўчаларида учратмайсиз. Аммо шоир бизга қолдирган шеърларни ўқиб, унинг сокин, ўйчан овозини – васиятини қалбингиз билан тинглайсиз:

**Ҳаётсан, ҳамиша яхшилик тила,**
**Яхшилик етказар элни муродга.**

*БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ*

Ўзбеклар ва дунё

# АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АҲМАД ПОШО

Ўзбек адабиёти ва унинг мумтоз намояндалари ижоди фақат Марказий Осиё эмас, балки Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ҳам катта эътибор қозониб келган. Афсуски, совет даврида халқимиз тарихини мукаммал ва холисона ўрганиш имконияти бўлмаганидек, адабиётимиз тарихий тараққиёти манзаралари ҳам бутун улуғворлиги ва мураккаблиги билан ўрганилмай келди. Шунинг учун ҳам биз ўзбек мумтоз адабиётининг жаҳон (Шарқ) адабий жараёнининг ажралмас қисми сифатидаги хусусиятлари ҳақида тўла тасаввурга эга эмасмиз.

Яқинда немис адабиётшунос олимаси Зигрид Клайнмиҳел каминага ўзининг янги илмий ишларидан бирини туҳфа қилди. Бу тадқиқот «Мир Алишер Навоий ва Аҳмад Пошо» деб номланган бўлиб, немис шарқшуносларининг «Archivum Ottomanicum» деган тўпламида нашр этилган. Зигрид Клайнмиҳел шу вақтга қадар XX аср туркий халқлар адабиёти, шу жумладан, ўзбек адабиёти ва фолклори билан шуғулланиб келгани учун унинг Навоий ижодига қизиқиши ва, айниқса, ўзбек адабиётшуносларига номаълум бўлиб келган ўзбек-турк адабий алоқалари тарихининг порлоқ бир саҳифасини ёритиб бериши камина учун кутилмаган янгилик бўлди. Афсуски, немис тилини билмаганим учун олиманинг бу илмий-тадқиқоти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмадим. Аммо қуйида муаллифнинг ўзидан олган ва мавжуд адабий-тарихий рисолалардаги баъзи маълумотлар асосида Алишер Навоий ва Аҳмад Пошо ўртасидаги ижодий ҳамкорлик тўғрисида баҳоли қудрат фикр юритмоқчиман.

Аҳмад Пошо Маҳмад II ва Боязид II замонларида яшаб, ижод этгани учун ўша давр ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиш лозим.

Султон Боязид Йилдирим Амир Темур томонидан мағлубиятга учрагунга қадар Туркия жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган, ҳатто Европадаги бир қанча мамлакатларни босиб ҳам олган. Шунинг учун Султон Боязиднинг яқин келажакда Европанинг бирданбир ҳукмдори бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Бинобарин, жаҳонни титратаётган Туркиянинг Амир Темур томонидан мағлуб қилиниши ўзбек-турк маданий алоқалари тақдирига салбий таъсир этиши ва ҳатто икки мамлакат ўртасига нифоқ уруғларини сепиши мумкин эди. Амир Темурнинг давлат арбоби сифатидаги донолиги шунда кўринадики, у ғаразли ишлари учун тавба-тазарруъ қилган турк султонини кечирибгина қолмай, айни пайтда унга шоҳона тўн ҳадя этди, асир тушган ўғилларини топишга ваъда бериб, унинг ўзини муҳофаза қилиш учун махсус кишиларни ажратди. Шундан сўнг ҳар куни султонни ҳузурига чақириб, у билан суҳбат қурди ва кўнглини кўтарди. Йилдирим Боязид 1403 йили вафот этгач, манбаларда айтилишича, Амир Темур муборак кўзларидан ёш чиқиб, йиғлаб, «Инна лиллоҳи илайҳи рожиъуна» ("Ҳақиқатан, биз Оллоҳга тегишлимиз ва, ҳақиқатан, биз унинг олдига қайтамиз»),–деди. У ҳатто «Рум мамолики»ни забт этганидан кейин Йилдирим Боязидни яна тахтга ўтқазмоқчи бўлганини айтди. Амир Темурнинг мағлуб султонга кўрсатган бундай марҳамати Йилдирим Боязиднинг ворисларида катта таассурот қолдирди ва улар Амир Темурдан кейин ҳам унинг ворислари билан самимий алоқада бўлдилар.

Адолат юзасидан шуни таъкидлаш лозимки, Туркия XIV—XV асрларда жаҳоннинг илғор маданий мамлакатларидан бири эди. Султон Боязид II темурийзодалар билан дўстона муносабат ўрнатиб, икки мамлакат ўртасида фақат савдо эмас, айни пайтда маданий алоқаларнинг ҳам равнақ топишига кенг имкониятлар яратди. Улуғбек ўлдирилгандан кейин талайгина самарқандлик илм ва маданият аҳлининг Туркияга бориб қолиши тасодифий эмас. Улуғбек астрономия мактабининг ажойиб намояндаси, Қозизоданинг набираси Мариям Чалабийнинг «Дастур ул-амал тасхиҳ ал-жадвал» (Улуғбек жадвалига шарҳлар) асарининг Боязид II илтимосига кўра ёзилиши эса турк султонининг ўзбек илм-фани ва маданиятига катта ҳурмат-эътибор билан қараганидан далолатдир.

Маълум бўлишича, султон Боязид II ўз юртига сиғмаган ўзбек олимлари ва ҳунармандларини Туркияга таклиф этибгина қолмай, султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан ҳам яқин алоқада бўлган. Хусусан, Алишер Навоий унга ўз ғазалларини юбориб турган. Боязид II эса, ўз навбатида, бу ғазалларни Аҳмад Пошо исмли энг машҳур шоирига назира боғлаш учун берган.

Аҳмад Пошо Туркияда Шарқ маданиятининг мумтоз сиймоларидан бири сифатида ҳануз қадрланиб келади. Навоийга қадар бўлган ўзбек адабиёти сингари, Аҳмад Пошога қадар бўлган турк адабиёти ҳам форс шеъриятининг кучли таъсири остида ривожланди. Боязид IIнинг фикрига кўра, Навоий шеърияти анъаналарининг турк адабиётига кириб келиши, бир томондан, турк шоирларининг маҳоратлари ошишига, иккинчи томондан, форс классиклари таъсиридан халос бўлишига ёрдам бериши мумкин эди. Шунинг учун ҳам у Навоийнинг 33 ғазалини Аҳмад Пошога бериб, бу ғазалларга татаббу ёзишни буюради.

Туркияда XV асрнинг энг машҳур лирик шоири ҳисобланган Аҳмад Пошо Эдирнада дунёга келган. Унинг туғилган санаси маълум эмас. 1496 йили, Навоийдан беш йил аввал вафот этган. Аҳмад Пошонинг отаси султон Мурод II ҳузурида қози аскар бўлиб хизмат қилган. Шу сабабдан у ўз даври учун энг юксак маълумотни олган.

Аҳмад Пошо меҳнат фаолиятини мударрисликдан бошлайди. У муайян муддат Бурсада мударрислик қилгач, қариндош-уруғларининг саройга яқинлигидан фойдаланиб, Эдирнада қозилик лавозимига эришади. У ушбу вазифани бажариш жараёнида султон Маҳмад II Фотиҳнинг эътиборини қозонади ва, кўп ўтмай, қози аскар ҳамда халифа – шаҳзодалар мураббийси этиб тайинланади. Бу баланд мартабалар унинг моддий жиҳатдан тўкин ва фаровон турмуш кечириши, руҳий ва ижодий имкониятларини юзага чиқариши учун қулай шароит яратади. Орадан бир неча йил ўтгач, Аҳмад Пошо вазир лавозимига кўтарилиб, иззат-икром билан қуршалади. Аммо ҳурмат ва эътиборнинг олий даражасига эришган бир пайтида душманларининг чақимчилиги оқибатида зиндонга тушади.

Аҳмад Пошо Еттиминорали қалъа зиндонида ётар экан, султон шаънига «Карам қасидаси» деб номланган машҳур асарини ёзиб, унинг Маҳмад II қўлига етиб боришига муваффақ бўлади. Катта шеърий маҳорат ва самимият дурлари порлаб турган қасида султонга манзур бўлиб, у зиндонбанд шоирни афв этади. 1481 йили Маҳмад II бандаликни бажо келтиргач, унинг маърифатли ўғли Боязид II номи билан тахтга ўтиради ва Аҳмад Пошони Бурса санжоғининг беги этиб тайинлайди.

Аҳмад Пошо XV аср турк шеъриятини янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. У, бир томондан, мумтоз турк адабиётининг халқ оғзаки ижодига хос шакллардан узоқлашиб, арабий ва форсий сўзлар бодроқдек потраб турган аруз системасига ўтишига сабабчи бўлди. Иккинчи томондан, ижодий фаолиятининг иккинчи босқичида форс шоирларининг таъсир доирасидан қочиб, туркий тиллардаги Ўрта Осиё шоирлари ижодига мурожаат этди. Султон Боязид II туфайли Алишер Навоий ижоди билан танишиши фақат унга эмас, балки, умуман, шу давр турк шеъриятига миллий маданий илдизларга қайтиш ва шу илдизлардан озуқа олган ҳолда камол топиш имконини берди.

Шундай қилиб, Аҳмад Пошо ижоди икки тадрижий босқичдан иборат. Агар у Еттиминорали қалъа зиндонига ташлангунига қадар бўлган вақтда форс шоирлари, айниқса, Ҳофизга тақлидан шеърлар ёзган ва турк шеъриятига форсий шеъриятнинг рангин жозибасини олиб кирган бўлса, «Бурса даври» деб аталган иккинчи босқичида шоир Навоийнинг мафтункор лирикаси билан танишди ва шу омил унинг янги ижодий парвози учун ҳаётбахш замин бўлиб хизмат этди. Аҳмад Пошо ижодининг гуллаб-яшнаши худди шу даврда рўй берди.

Тарихий манбаларда айтилишича, Навоийнинг 33 ғазали Туркияга 1480 – 1481 йиллари етиб боради. Бу ғазалларнинг султон Боязид IIга Навоийнинг шахсан ўзи томонидан юборилганлиги айниқса муҳимдир.

Агар Султон Боязид IIнинг бу ғазалларга татаббу боғлаш ҳақида Аҳмад Пошога буйруқ бергани, Аҳмад Пошонинг эса бу ғазаллар буюк шоирнинг эмас, балки Ҳусайн Бойқаро вазирининг асарлари бўлгани учун уларга татаббу боғлашга киришганини эътиборга олсак, Навоий билан Боязид II ўртасидаги муносабатлар аввало икки давлат арбоби ўртасидаги муносабатлар ўлароқ гавдаланади. Тахмин қилиш мумкинки, 1472 йили Ҳусайн Бойқаро саройининг бош вазири этиб тайинланган ва «Амири кабир» унвонига муяссар бўлган Навоий 1480 – 1481 йилларга қадар ҳам Боязид IIга бош вазир сифатида хат ёзиб турган ва Навоий билан Боязид II ўртасида расмий, айни пайтда, дўстона алоқа бўлган. Агар улар ўртасидаги алоқа фақат расмий тусда бўлганида Навоий турк султонига ҳеч қачон энг яхши 33 ғазалини туҳфа сифатида юбормаган бўларди.

Маълумки, Алишер Навоий XV асрнинг 70-йиллари охирида ўзбек тилида ёзган шеърларидан таркиб топган илк девони – «Бадоеъ ул-бидоя»ни тузади. Иккинчи девони – «Наводир ун-ниҳоя»га эса 80-йилларнинг охирида тартиб беради. Навоий ижодининг ана шу далилларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, у Боязид IIга асосан дастлабки девонидан жой олган ва қисман «Наводирун-ниҳоя»га киритилиши мўлжалланган ғазаллардан юборган.

Хуллас, Аҳмад Пошо Навоийнинг ана шу ғазалларига татаббу боғлаган.

Айрим манбаларга таяниб айтиш мумкинки, Навоий лирик меросини тўплаб, «Хазойин ул-маоний» устида олиб борган ижодий ишини тугатганидан кейин уни Боязид IIга етказиш чорасини кўрган. Чунончи, 1501 йили ҳиротлик шоир Вазирий Жомий ва Навоийнинг тавсияномаси билан Боязид II ҳузурига келган ва унга ўзбек шоирининг тўла девонини туҳфа этган. Аммо бу вақтда Аҳмад Пошо ҳам, Навоийнинг ўзи ҳам оламдан ўтган эдилар.

Аҳмад Пошо ўз татаббуларини усмонли тилида ёзгани учун тақлид деб ҳисобламаган. У Навоийнинг қайси ғазалига татаббу боғлаган бўлса, шу ғазалнинг таъсир доирасидан бир оз эса-да чиқишга уринган. Агар Навоий муҳаббат тароналарини куйлашда кўпроқ қуёш образидан фойдаланган бўлса, Аҳмад Пошо ой образига мурожаат этган. Агар Навоий лирик қаҳрамони сервиқор бўлса, Аҳмад Пошо ҳазил-мутойибага мойиллик билдирган. Муҳими шундаки, Аҳмад Пошо Навоий ғазалларига татаббу боғлаш жараёнида шоир сифатида бир поғона юқори кўтарилган ва ўз ижодининг гултожи бўлган асарларни яратганки, бу асарлар турк мумтоз лирикасининг олтин хазинасига кирган.

Шарқшунос В.С.Гарбузова «Турк адабиёти классиклари» рисоласида (Тошкент, 1960) Аҳмад Пошонинг Навоий лирик оламининг тароватибилан йўғрилган қуйидаги ғазалини келтирган:

**Зулфингки, узорингда этар жилвалар, э дўст,**
**Товуси жунондирки, очар болу пар, э дўст.**

**Хатингки тилсим этди лабинг доирасига,**
**Ширинлик учун мушк ила афсун ёзар, э дўст.**

**Қуй, борма қуноғига, рақибингки, билурсен,**
**Ит бўлган ерга ҳеч малак этмас гузар, э дўст.**

**Зулфи сиёҳинг чиқмади зебо кулоҳингдан,**
**Зероки, ҳарир ичра бўлур мушки тар, э дўст.**

**Воиз сўзига воқиф ўлиб, ёш тўкмади чашмим,**
**Сард бўлса – ҳаво бўлмагай мардумда гар, э дўст.**

**Не важҳ ила сурмагай Аҳмад аёғингга,**
**Не бош ила тарк этмагай йўлингда сар, э дўст.**

Навоийнинг лирик меросида «э дўст» радифи билан тугаган ғазаллар оз эмас. Бундай ғазаллар Аҳмад Пошо ихтиёридаги «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларида ҳам мавжуд бўлган. Аммо Аҳмад Пошонинг юқоридаги ғазалини бу девонларга кирган «э дўст» радифли Навоий ғазалларининг айнан нусхаси, деб бўлмайди. Аммо шунга қарамай, В.С.Гарбузова «Аҳмад Пошо ижодига назар ташлар эканмиз, шоир ижодидаги асосий нуқсон чинакам оригиналлик йўқлигидир, деган фикрга келиш мумкин. Бундай нуқсон бошқа усмонли сарой шоирлари учун ҳам хос эди», деб кескин хулоса чиқаради. Бу хулосанинг қанчалик адолатли экани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун ҳар икки шоирнинг «анга» радифли ғазалларига назар ташлаш жоиздир.

Навоийда:

**Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,**
**Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.**

**Ўқларингдин ҳар замон таскин топар кўнглум ўти,**
**Бордурур бир қатра сув гўёки ҳар пайкон анга...**

**Илмағон жонин фидо жононға етмас, дер эмиш,**
**Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.**

Аҳмад Пошода:

**Не қамардур бу ки ўлмиш зулфи мушк-афшон анга,**
**Нича райҳондур хати ким қолмишам ҳайрон анга.**

**Номаи шавқум не нав ул ойга еттай, чунки мен**
**Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим унвон анга...**

**Сўзда ушшоқи муҳаййир айла дерсан Аҳмада,**
**Ўйла булбул ўлмага қуйун керак бўстон анга.**

Шубҳасиз, икки-уч байтни ўзаро қиёслаш орқали Аҳмад Пошо ғазалларининг оригиналлиги даражасини аниқлаш осон эмас. Аммо агар назира боғловчи, татаббу битувчи, мухаммас ёзувчи Шарқ шоирларининг ғазал ва мухаммасларига назар ташласак, уларнинг аксари тақлид этилган шоирнинг бадиий тафаккури даражасидан анчагина пастда туриши маълум бўлади. Зеро, назирагўй шоирларнинг асосий мақсади устоз шоирлардан ғазал ёзиш санъатини ўрганиш, улардан бадиий маҳорат бобида сабоқ олишдир. Агар Аҳмад Пошо назираларига шу нуқтаи назардан ёндашсак, унинг шеърларидаги оригиналлик даражаси эмас, балки Шарқ шеъриятининг пурвиқор чўққиларидан бири бўлган Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлиш, унинг маҳорат мактабидан сабоқ олишга интилиши биз учун муҳимдир.

Аҳмад Пошо Навоийнинг ижод гулшанида мавжуд бўлган хушбўй тароватни, бадиий нафосат чечакларини турк шеъриятига олиб кирди. Унинг Навоий лирикасидан баҳраманд бўлиши турк шеърияти уфқларининг кенгайиши, тили ва услубининг янада миллийлашиши, гўзаллашиши ва сайқалланишига имконият яратди. Бинобарин, Навоий туфайли турк шеърияти тараққиёти тарихида янги бир давр бошланди. Бу Навоий ижодининг оламшумул аҳамиятидан дарак берувчи яна бир мисолдир.

Таниқли немис шарқшунос олимаси Зигрид Клайнмиҳел ўз тадқиқотини ёзишда асосан Германия кутубхоналарида мавжуд бўлган қўлёзмалардан фойдаланган. Навоий билан Аҳмад Пошо ижодий муносабатларига ойдинлик киритувчи бундай манбалар жаҳоннинг Швеция, Туркия сингари мамлакатларида ҳам мавжуд. Эҳтимол, бундай манбалар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинаси ва бошқа йирик кутубхоналарда ҳам бордир. Ўйлаймизки, ўзбек адабиётшунослари ҳам Алишер Навоий ижодининг оламшумул аҳамиятини, халқимизнинг ўтмишдаги маданий ва адабий алоқаларини аниқ-тайин адабий ҳодисалар асосида ўрганишга алоҳида эътибор беражаклар.

**Наим КАРИМОВ**

# ОРИЯТ

## Асардан парча



***Улуғбек Ҳамдам** — ўз талантини ҳам насрда, ҳам назмда синаб кўраётган истеъдодли ёш ижодкорлардан. Айни пайтда у адабий жараённинг долзарб масалаларига доир танқидий мақолалари билан ҳам газетамиз саҳифаларида мунтазам қатнашиб туради. Ҳозиргача Улуғбекнинг «Ёлғизлик» номли қиссаси ва шеърий тўпламлари, таржималари китоб ҳолида чоп этилган. Яқинда у янги асарини — «Мувозанат» деб номлаган романини ёзиб битирди. Шу муносабат билан мухбиримиз асар муаллифига бир неча савол билан мурожаат этди. Ушбу саҳифада сиз ана шу интервьюни ҳамда янги «Мувозанат» асаридан парча ўқийсиз.*

**—Роман жанри анчагина тажриба ва маҳорат талаб этади. Бу жиҳатдан қийинчилик сезмадингизми?**

—Аслида нафақат роман, балки тўрт катор маъқул шеърни ёзиш ҳам ижодкордан яхшигина тажриба ва маҳоратни талаб қилади. Бироқ саволни тушундим, роман барибир, тоши оғир жанр. Шунчаки ҳою ҳавас, бу жанрда ҳам ёза олишингни кўрсатиб қўйишга йўналтирилган истак билангина яхши роман ёзиш мумкин эмас Ёзувчининг жуда муҳим айтадиган гапи бўлсагина ва шу билан бирга ботинидаги ана шу «муҳим гап"-га асар давомида хиёнат қилиб қўймаслигига кўзи етсагина романга қўл уриши мумкин, дея ўйлайман. (Албатта, бу дунёда ҳамманинг ўз қаричи бор, бу демакки, «муҳим гап»лар ҳам ҳар хил бўлади, қолаверса, уларни айтиш йўллари беҳисоб, барини романга айлантириш ножоиз). Қолаверса, ёзувчини ижод қилишга мажбур этадиган навбатдаги омил — дунёни бадиий-эстетик идрок қилишдан туғиладиган, санъатта дахлдор, айни чоғда, мавжуд оламга мувозий (параллел) ҳолда яратиладиган олам — бадиий олам ижодкорни ўз тасарруфига олади. Мана шундай «исканжа»га тушган ижодкор барибир ёзади. Чунки у ҳар қандай «исканжа»лар қафасини парчалаб ташлаб, озод бўлишга тийиқсиз эҳтиёж сезади-да. Назаримда, асар ёзишга киришган ёзувчи руҳий-маънавий жиҳатдан ҳурликка талпинган инсондир. Ижодкор учун муҳими ана шу эҳтиёж, ана шу талпиниш! Шулар бўлса, ўйлайманки, жанр қийинчиликлари у ёки бу даражада «босиб ўтилади». Қолаверса, роман жанри бир ярим асрдан буён тинимсиз равишда такомиллашиб-турланиб бораётир, унинг догмага айланиб улгурган нормалари қолган жанрларга нисбатан камроқ... Демак, бу ўринда ҳам ёзувчи учун ҳисобсиз имконлар мавжуд. Фақат у романий тафаккурга эга бўлиб, яшаётганимиз реал дунёга мувозий равишда асардаги оламни яратишга қодир бўлса бас.

**—Яқинда устоз Озод Шарафиддинов суҳбатда романингиз ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар. Сиз ижодий муваффақиятингизни қандай изоҳлаган бўлардингиз?**

—Биласизми, қанчалар аччиқ бўлмасин, одамзодга хос бўлган бир жиҳат — қусурни тан олишимиз керак. Яъни бани одам ўзига, ўз бугуни ва келажагига, бир сўз билан айтганда, ўз мавжудиятига қайсидир томондан дахлдор бўлмаса, ҳар қандай оламшумул воқеа-ҳодисага ҳам беэътибор қарайди. Дейлик, Марс планетасидаги об-ҳаво тўғрисидаги ахборот камдан-кам одамни қизиқтирса керак. Ёки бўлмаса, инсон қайсидир мамлакатдаги зилзила оқибатида қурбон бўлган юзлаб-минглаб одамлар қисматидан кўра овқат еяётганда ёғ томиб «сафдан чиққан» кўйлагига кўпроқ ачиниши мумкин ва ҳоказо. Худди шундай, қандай асар бўлишидан қатъий назар, эл орасида жиндай эътибор топдими, демак, ўша асарда акс эттан воқелик, қаҳрамонлар, уларнинг ҳаётлари, орзу умидлари билан ўқувчи, унинг турмуш тарзи, орзу-хаёллари ўртасида муайян ўхшашликлар бўлиши муқаррар. Бошқача айтганда, ёзувчи ўзи яшаётган давр ва шу давр кишиларининг қайноқ нафасини юксак бадиийлик либосида намойиш эта олдими, демак, бу ўша ижодкор асарларининг ярим муваффақиятидир. Чўлпон ва Абдулла Ориповнинг миллат руҳиятига сингиб кеттан оловли ва айни пайтда дилбар шеъриятини олинг. Ҳар иккисини ҳам миллий шоир даражасига олиб чиққан сабаб айнан шу ерда: уларда шоир дарди кўпнинг дардига, ижтимоий дардга тенг келган ёхуд кўпнинг дарди — ижтимоий дард шоир «мен»ининг шахсий дарди даражасида тараннум этилган.

Айтилганларнинг «Мувозанат»га ҳали алоқаси йўқ, деб ҳисоблайман. Чунки асарнинг чоп этилиши энди мўлжалланмоқда.

**—Роман мавзуи, унда қаламга олинган давр, асар шакли ҳақида газетхонларга қисқача гапириб берсангиз.**

—Асар шу кеча ва кунимизнинг қаҳрамонлари ҳақида. Фалакнинг гардиши билан мамлакатимиз Истиқлолга қон тўкмай муяссар бўлди. Бу — жуда катта неъмат! Бироқ аёвсиз кураш, омонсиз жанг бизнинг ҳар биримизнинг ичимизда — ботинимизда кечди. Роман бош қаҳрамони Юсуф ҳам ана шундай курашларга тортилган киши: у ҳам ўз йўлида турли мураккабликларга, қийинчиликларга дуч келади, улар билан олишиб изтироб чекади, ўз ботини ва жамият ичидаги мувозанатини йўқотиб таскинсиз, азобли мушоҳадаларга берилади. Лекин, энг муҳими, Юсуф уларни руҳий-маънавий жиҳатдан енгиб ўтиб, яна бой берилган мувозанат сари интилади... У англаб етадики, ҳар бир даврнинг кишилар зиммасига юклайдиган ўз вазифаси бўлади. Бугуннинг вазифаси ўзгаришлар бағрида йўқотилган ана ўша азим Мувозанатни қайта қўлга киритишдир. Бундай мувозанат эса бугун қураётганимиз янги жамиятга, унинг ҳар томонлама соғлом пойдеворига боғлиқ.

Асар шаклан ҳам, мазмунан ҳам, газетангизнинг ўтган сонларидан бирида профессор Озод Шарафиддинов айтганидек, анъанавий реализмнинг «қолип»ларига шундоқ тушади. Мен бундан заррача хижолат чекаётганим йўқ. (Ҳозир бизда ҳам, айниқса, ёшлар орасида модернизмнинг шунақа «фанат»лари топиладики, улар ёзган нарсалар ҳақида «анъанавийроқ бўлиб қопти» десангиз, гўё ўзларини ҳақорат қилингандек ҳис этишади). Чунки ҳаётнинг моделини ўзида мужассам этган ҳар қандай фалсафий қарашнинг қиммати айнан реалликка нисбатан қандай позицияни эгаллаганига кўра белгиланганидек, ҳар қандай «изм» (жумладан, модернизмнинг ҳам)нинг қуввати ҳам айнан реализмга қай даражада мувозий ёндоша билганлиги билан ўлчанади. Зеро, дунёни бадиий идрок этишда реализм мавжуд реал ҳаётга энг яқин келган оқимдир. Қолаверса, мен яна бир нарсани айтишим керак: мен битта асарни икки хил «изм»да ёзишга уриниб кўрдим. «Мувозанат» уч-тўрт йил аввал нашр қилинган «Ёлғизлик» деб номланган, дунёни бадиий идрок этиш жиҳатига кўра модернистик руҳдаги қиссамнинг реализмдаги кўриниши, холос. Мен «Ёлғизлик»да сувратни «йиғиштириб қўйиб», фақат моҳиятдан баҳс этмоқчи бўлганман. «Мувозанат»да эса ўша сувратни (сюжетни) чизишга ҳам ҳаракат қилдим. Бир нарсага ишонаманки, ҳар икки асар ўқувчилари, уларнинг миқдори орасида кескин тафовут бўлади...

**—«Мувозанат» қачон ва қаерда эълон қилинади?**

—Насиб қилса, асарни «Жаҳон адабиёти» журналининг шу йил май ва июн ойлари сонларида ўқишимиз мумкин.

---

Кечқурун тумонат одам йиғилди. Юсуфнинг назарида шаҳарнинг казо-казо бойларининг асосий қисми тўплангандек эди. Ҳатто машҳур артистлар, яна Юсуф қаердадир (телевизорда бўлса керак) кўрган таниш ва нотаниш чеҳралар ташриф буюришганди. Башанг кийинган, юзлари тиниқ ва аксариятники бўлиқ меҳмонлар олдида Юсуф ўзини жудаям фақир сезди, кимтинди. Хариятки, ҳамма ўзи билан, ўз яқинлари, давраси билан овора... Миразиму Заҳро дам у даврадан бу даврага, у хонадаги меҳмонлар ҳузуридан бунисига ўтишар, гўё қўлма-қўл бўлаётган тансиқ таомдек ҳамма уларни ўз қошларига чорлар, табриклашар, баробар ичишарди... Саид ҳам ўз даврасида кулиб, ичиб яйраб ўтирибди. У дарвозадан кираркан, ошхона томонда турган Юсуфга кўзи тушиб, бош ирғаб қўйганди...

Энди Юсуф росмана ўйлай бошлади: базмда қолиб тўғри қилдими, йўқми? Ахир, у юзлаб одамнинг ичида ёлғизланиб қолганди. Кимнинг олдига боришни билмасди. Бу ерда уни таниган ва у билган уч киши — Миразим, Заҳро ва Саидлар ўз давраларида шодон эди. Уларнинг гўё Юсуфга эҳтиёжи ҳам, у билан ишлари ҳам йўқ. Юсуф эса нимага келди? Эҳтиёжи борки, келди. "Арслонни қашқир олдига келтирган эҳтиёждир, эҳтиёж" деган қаердадир эшитган қаландарона қўшиқ мисралари хаёлиға урилди. Лекин ўша заҳоти ўзини-ўзи тергай кетди: "Жуда ошириб юборяпман, чоғи. Ахир, мен қашқирнинг эмас, дўстимнинг уйига келдим. У базмга таклиф қилди. Мен унда қатнашяпман. Бори — шу. Ахир, сени биров танимаган жойда шунақа бўлади-да. Ҳозир улар бироз бўшашсин, мени ҳузурларига чақиришади. Ҳол-аҳвол сўрашади. Сабр қил!" Юсуф ўзини шундай мулоҳазалар билан тинчлантиргунча Тоҳир аканинг йигитларига қарашиб юрди. Улар билан бирга овқатланди, ҳангомалашди. Ва ич-ичидан сезиб турдики, бу даврада унинг тенги, уни ҳеч қандай ижирғанишсиз қабул қилганлар ана шу ошпаз йигитлар бўлди. Бундан ўзини ҳақоратлангандай ҳис этди. Лекин айни дамда ўзининг бу туйғуси дилкаш ошпаз йигитларга нисбатан таҳқир эканини тушуниб, тилини тишлади...

— Зерикиб қолдииз-а, Юсуф ака? Биламан, сиз ўзизни бунақа жойларда яхши ҳис қилмайсиз. Шунинг учун бир "юринг" деб қўйдим-у, қўлиздан тортмадим. Агар ановларнинг қошида сизга яхши бўлади, деб ишонганимда эди, қўярда-қўймай ўша ёққа судраб кетардим... Хафа бўлмадизми, ишқилиб?

Юсуфнинг юраги "шув" этиб кетди. У ҳаяжонини яширмоқчи бўлиб ютинди. Лекин бу билан иш битмади. У такрор ва такрор ютинишга мажбур бўлди. Ахир, Заҳро шундоқ ҳам сулув аёл эди. Базм учун алоҳида қилинган пардозу андоз, лов-лов ёниб турган кўйлаги, ичилган шаробнинг зоҳирга тошиб чиққан енгил кайфи унинг аёллик жозибасини янада кўпиртирганди. Устига устак, аввало, иккинчи соҳилнинг об-ҳавоси Юсуфнинг мудраб ётган ҳисларини озгина бўлсин, қўзғаб қўйган бўлса, бошқа ёқдан тозаароқнинг таъсири унинг жиддиятини яна бўшаштириб юборганди...

— Намунча тикилиб қолдииз? Яхши кўриб қолманг тағин? — Заҳро пиқ этиб кулиб, бошини олдин пастга қаратиб сарак-сарак этди, сўнг шиддат билан орқага силтаб, пешонасига, юз-кўзига тушиб турган хиёл жингалак, қўнғир сочларини нари қилди. — Келинг, мен билан бир ичинг. — Заҳро столда очиқ турган ароқдан қуйиб, қадаҳларни тўлдирди. — За что будем пить? — Юсуфга қаради у. Юсуф дабдурустдан нима дейишини билмай каловланди. Сўнг базмнинг сабаби эсига тушиб, чайналди.

— Миразимнинг "Мерседес"и...— унинг гапи оғзида қолди.

— Қуйинг, шу расмий табрикларни. Яхшиси, кўнглингиздаги гапни айтинг.

— Кўнглимдаги гап, ҳм... Унда эшитинг. — Юсуф қўлидаги бежирим қадаҳга бир қараб қўйди-да, сўнг Заҳрога тикилди, — сизга буни минг бор, миллион бор айтишган бўлса-да, менинг ҳам такрорлагим келяпти... — Юсуф яна бир зум тараддудланди-да, сўнг дадил давом этди. — Сиз жудаям гўзалсиз! Мен аёл зотининг шунчалар жозибадор бўла олишини шу ёшимда, илк марта ҳис этаяпман. Мен ўзимнинг ана шу кашфиётиму, унга сабаб бўлган гўзал хоним — Сиз учун ичаман!.. — Юсуф кўзларини тез қадаҳга олди. У кўнглидаги гапларни айтган эди. Лекин ҳижолат чека бошлади: "Мен нима деяпман? Нима жин урди мени? Заҳро бировнинг хасми ҳалоли бўлса. Ўша биров менинг неча йиллик қадрдоним эса, менга нима бўляпти? Мен бу ерга нима мақсадда келдим-у, тақдир мени қай сорига бошламоқда? Ўзим қай аҳволдаман-у, нималарни кўнгил тусамоқда?"

— Ичинг бўлмаса, — Юсуф Заҳронинг жарангдор овозидан сесканиб ҳушини тўплади ва бир кўтаришда қадаҳни бўшатди. Заҳро Юсуфни кутиб турди-да, сўнг қадаҳни лабига бир тегизиб жойига қўйди. — Хотинингизга яхши кўриб уйланганмисиз? — сўради Заҳро томдан тараша тушгандек қилиб.

— Йўқ, онасини кўриб қизини олганман. Яъни онаси билан икки-уч дақиқа ҳамсуҳбат бўлдим-да, ундаги бамаънилик, тажриба, таъбир жоиз бўлса, аслзодаликка маҳлиё бўлдим-қолдим. Сўнг қизини ҳам шундай хаёл қилиб совчи жўнатганман.

— Хўш, қизи ўшандоқ чиқдими?

— Ўшандай бўлса керак. Лекин онасидаги кўп фазилатлар йиллар давомида машаққат билан орттирилганлигини кейинроқ тушундим.

— Ҳозир-чи? Ҳозир яхши кўрасизми кеннойимизни?

— Менингча, бир-бирини яхши кўриб, бири бошқасининг ишқида ёнадиган эр-хотин бўлмаса керак дунёда. Ахир, улар ҳамиша бир-бирларининг олдиларида ҳозиру нозирлар. Муҳаббат фироқни тақозо қилса керак. Баъзан хизмат юзасидан маълум муддат у ер-бу ерга кетганимда хотинимни ҳақиқатдан ҳам соғина бошлайман. Шунда ўйлаб қоламан: агар уни узоқроқ муддат кўрмай юрсам, Лайлининг ишқида ёнган Мажнун ҳолига тушсам керак. Яна ким билади... Хўш, нега сўраяпсиз буларни?

— Шунчаки, қизиқ-де, — Заҳро сир бой бермасликка ҳаракат қилиб, яна Юсуфнинг қадаҳини тўлата бошлади.

— Ия, сиз фақат мени ичирасиз шекилли. Ўзиз-чи?

— Манам ичаман. Мана, — Заҳро ўзининг деярли ичилмаган қадаҳига ҳам шишани энгаштириб қуйган киши бўлди. — Ман у ёқда кўп ичиб қўйдим. Лекин, барибир, шуни сиз билан охиригача оламан.

— Энди сиз гапиринг.

— Албатта, аммо узоқ гапирворсам кечирасиз. — Заҳро қўлидаги қадаҳни стол устига қўйди. — Биласизми, ман кейинги вақтларда кўп сиқиладиган бўп қолганман. Ҳамма нарсам бор-у, лекин тағин нимадир етишмаётгандек. Ўртоқлару таниш билишлар тиқилиб ётибди, лекин ҳеч биридан кўнгил истаган маънони тополмайман. Улар билан кун буйи валақлаб юриб, сўнг ёлғиз қолганимда қаттиқ қийналаман. Ўзимни ҳар хил кўнгилочар ўйинлар билан чалғитмоқчи бўламан, аммо нохуш тушлар кўраман. Уларнинг аксари бир хил мазмунда: гоҳ ўзимни олтин безакли қасрда ҳаво етишмай бўғилаётган алфозда кўраман. Бошқалардан "Сизларнинг ҳам нафасларинг қисяптими?" деб сўрасам, ҳайрон бўлиб елка қисишади. Манинг эса ҳолсизликдан ўпкам оғзимга келаёзади. Гоҳ эса ўзимни улкан уммоннинг қоқ ўртасида ҳашаматли кема ичида ёлғиз ҳолда топаман. Кеманинг ёнилғиси қолмаганмиш. Шунда ўлим ваҳмидан чўчиб уйғониб кетаман ва саҳарларгача мижжа қоқмай чиқаман. Юсуф ака, биласизми, мен гўё секин-аста ўлаётганга ўхшайман. Ҳаётимни емираётган оғир дард, бедаво касаллик на саратон ва на зотилжам, балки бекорчиликдир. Мани шу маҳв этаётгандек. Назаримда, агар ман институтда ўқимаганимда ва Талъат акага ўхшаган домлалардан инсон ва бахт ҳақидаги маърузалар эшитмаганимда. Сиз, Саид акамнинг ва бошқаларнинг мароқли тортишувларидан баҳраманд бўлмаганимда... Ҳозир бунчалик қийналмаётган, ўзимни ўзим еб битирмаётган, аксинча, Миразим акам қуриб қўйган кошоналарининг маликаси бўлиб, энг муҳими, шу билан кифояланиб, лўмбиллаб яшаётган бўлардим. Лекин, афсуски, ёки яхшиямки, ман унақа эмасман... Ҳозир сиз манга ўша оламдан — бир вақтлар ман ҳам мансуб бўлган, лекин энди хотира ва тушларимдагина яшаётган оламдан эсган бир шабада каби таъсир этвоссиз. Этагизга ёпишволганимнинг сабаби шунда. Мана шуни, — у стол устидаги қадаҳга қўлини чўзди, — ман тополмаётган ўша маъни учун, ўша сеҳрли дунё учун ичсак!.. — Заҳро ўзи бошлаб қадаҳни охиригача сипқорди. Юзлари озгина буришгансимон бўлиб, санчқининг учидан салат тишлаганча қўзғалди. — Сиз ўтира туринг меҳмонлар кетишвотти, кузатай...

То меҳмонлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлгунча Заҳронинг орқасидан қараб турди-да, Юсуф беихтиёр "Офарин!" деди. Аёл уни росмана ҳайратга солиб кетганди. У, аввало, ўз гўзаллиги билан Юсуф ботинини нари обориб, бери обкелган эса, энди инсоний бир ҳаётга ташналиги билан, қаердадир Юсуфникига уйқаш қисмати билан уни янада лол қолдирганди.

— Товба, ўйларди Юсуф, — агар энди ҳам ўз моддий муаммоларимни ҳал этишга киришмасам, оилам, ҳатто, балки ўзим ҳам маҳв бўлажагимни англагандек бўляпман. Бу ёқда эса ўзга ҳол: қондирилмаган маънавий эҳтиёж шўрлик аёлни еб битираёзибди. Демак, инсонга ҳам униси, ҳам буниси зарур. Демак, одамзод ўз маънавиятини моддият орқали намойиш этишу ўз моддий оламини маънавият туфайли тиклаш ва сақлашга мажбур ва маҳкум.

***

Меҳмонлар тарқаб бўлди. Йиғиштириш ишлари битгач, бирин-сирин Тоҳир аканинг йигитлари ва бошқа хизматчилар ҳам хайр-хўшлашиб чиқишди. Юсуф эса, ҳамон ўша жойида ўтирганича Миразим билан Саидни кузатарди. Шу билан бирга, қаерда тунаши мумкинлигини ўйларди. Соатига қаради — ўн, алламаҳал бўпти. У бу ерларни яхши билади — икки чақиримгина наридаги тош йўлдан ҳали яна бир, бир ярим соатча трамвай қатнайди. Шунинг учун бу ёғидан кўнгли тўқ. Бироқ у трамвайга чиқиб қаёққа борарди? Шуни билолмай боши гаранг.

Шу пайт охирги меҳмонларни кузатиб дарвоза томондан Миразим, Заҳро, Саид ва яна иккиучта Юсуф танимайдиган эркагу аёллар кўринишди. Саид билан Миразим улардан айрилиб, тўғри шу томонга бурилишди. Юсуф ўрнидан турди, турдию, кайфининг кучидан енгилгина эсанкираб кетди. Лекин ўзини тутди. Бу орада яқинлашиб қолган Саид қучоғини очганча келаркан "Ҳа дўст, овлоққа ўтиб тоза опсиз-да" дея ҳазиллашди. Кўришиб бўлишгач, ўша ернинг ўзига ўтира қолишди. Ҳол-аҳвол сўрашди.

— Қаерларда юрибсан, ошна? — деди Саид.

— Худога шукрки, тупроқдан ташқарида, бу деганим — уйда, баъзан институтда. Қолаверса, кеча қишлоқдан қайтдим.

— Қалай, ота-онанг, қариндош-уруғлар тинчми?

— Шукр, раҳмат.

— Бир неча марта телефон қилдим. Йўғакансан. Кейин бир ўрис сени бу ердан кетди, деб айтди.

— Шунақароқ...

Юсуф кайфига қарамай. Саидни диққат билан эшитибгина қолмай, уни ҳар томонлама кузатиб ҳам турарди. Ахир, қизиқ-да, аввалги талаба Саид билан ҳозирги арбоб Саидни солиштириш. Устига устак, улар қалин дўст эдилар бир вақтлар, ҳозир-чи? Ҳозир Юсуф унинг кимлигини, тўғрироғи, ким бўлиб етишганини билмоқчи бўлиб, синчковлик билан Саидга тикилар, ҳар бир сўзини мушоҳада тарозусида тортиб ўтирарди.

Миразим-чи? Тавба, унга нима бўлдики, ўзини ҳануз Саиднинг гапларини эшитиб-тушуниб турганга солаётир. Илгарилари ҳеч бунақа эмасди. Хоҳ тарих, хоҳ сиёсат, хоҳ иқтисод бўлсин, ҳар қандай жиддий мунозараларга ҳуши келмайдиган, бир пас ўтиргач, сиқилиб туриб кетадиган ёхуд Саид ва Юсуф ўртасида ухлаб қоладиган Миразим бу гал Юсуфнинг назарида умрида биринчи марта сабр қиларди.

Негадир Юсуфнинг ғаши келди. Агар ҳозир Миразим хумдек бошини столнинг устига қўйиб, пишиллаб ухлаб қолганда Юсуф уни яхши кўриб кетган бўларди. Лекин у бундай қилмаётир. Шунга қарамай, Юсуф "Ахир, Мираз ҳам инсон. Унинг қилаётган иши бор-йўғи инсонга хос бир заифлик, холос", деган ўйга бориб, бунинг учун ундан хафа бўлишнинг ҳам, ижирғанишнинг ҳам ҳожати йўқ, деган тўхтамга келди.

Саид эса, худди миллионлаб фуқаро олдида оташин нутқ ирод қилаётган қудратли зот каби виқор-ла гапирарди.

— Юсуф, ишон, бизга Миразимбойдек пулдору, — Саид энди Миразимнинг елкасига қоқиб қўйди — сенга ўхшаган фидоий кишилар жудаям зарур...

Саидга нима бўлган ўзи? Бунақа оловли сўзларни нега сархуш даврада айтади? Нима ўзи Саидни бунга мажбур қилаётган? Юсуф шунинг тагига етолмаётганди. Лекин бир жиҳати унинг ғурурига хуш келарди. Саид буларнинг ҳаммасини Юсуф учун гапираётганди. Энг муҳими, Юсуфнинг қаршисида Саид бутун бошли халққа нутқ ирод қилаётгандек ўзини тутар ва сўзларди. Балки ҳақиқатан ҳам унинг назарида жудаям аҳамиятли зотдирман. Инчунун, у шу қимматни тамоман асир этмоқчидир, шу йўсин нафсига ҳузур-ҳаловат бағишламоқчидир, ким билсин. Нима бўлгандаям, унинг бунақа куйиб-пишиб гапириши ғалати, жудаям ғалати эди. Бироқ ўзининг гапини қандай топиб гапирсин? Ахир, бунинг учун кишининг оёғи ўз заминида — ўз ақлу идроки, кучу ғайрати орқали бино этгани муҳитда мустаҳкам турмоғи керак бўлмайдими?..

— Хуллас, дўстлар, гап кўп, лекин вақт алламаҳал бўп қолди. Эртага барвақт ишга бориш керак, — Саид эснаб олди. — Юсуф, шундай қилиб сени қаердан топамиз? Телефон-пелефон дегандек?

Юсуф нима дейишини билмай бир зум тараддудланди, барини — ҳозир кўчада қолганини айтай дедию, имкон ва бойликлари ошиб-тошиб ётган бир амалдору бир бой олдида деёлмади. Ҳатто улар қачонлардир ўзига яқин дўст бўлишган эса-да, айтгиси келмади.

Кейинроқ Юсуф айнан шу ўриндаги ҳолини эслаб, қийналиб юрди. "Агар мен ғурурли бўлсам, нега унда ўзимни хору зор бўлишга олиб келдим, нега Миразиму Саиднинг олдига маслаҳатга келдим, эҳтимол, аслида ёрдамга келгандирман, "иш топиб бер" деганим бўлар ташрифим? Агар буни ғururга йўймасак ва улар менга дўст бўлса, нега унда Саидга очиқ айтмадим — "аҳволим чатоқ, уйим йўқ, вокзалда тунаб юрибман, хотиним боламни олиб қишлоққа кетиб қолди, ўзим соҳамни қанчалик яхши кўрмай, ишлагим келмаяпти, тобора ўзимни ботаётган шўрлик одамдек ҳис этаяпман. Маслаҳатингга, йўл-йўриғингга муҳтожман", демадим. Ахир, улар дўст бўлганда, ичимдагини яширмай айтардим-ку. Лекин қай гўрга ғойиб бўлди дўстлик? Ахир, у бор эди-ку! Биз қаерда уни бой бериб қўйдик?..

— Ўзим сенга телефон қиламан, — деди ниҳоят Юсуф ўзини қўлга олиб.

— Бўлмаса, омин. Миразимга яна бир бор мошина қуллуқ бўлсин ва буюрсин!

Ҳамма Саиднинг дуосига эргашди ва қўзғалди.

Бошлашиб ташқари юришаркан, уларнинг ғала-ғовурини эшитиб, ичкаридан Заҳро чиқиб келди ва улар билан қуюқ хайрлашди.

— Ўтир, Юсуф, обориб қўяман, — деди Саид.

— Қўйсанг-чи, мен ўзим ҳал қиламан бу масалани, — эътироз билдирди Миразим.

— Овора бўлманглар, ўзим етиб оламан, ҳали жудаям кеч эмас, — чайналди Юсуф.

— Ўтир, қанақа одамсан ўзи, — Саид Юсуфнинг билагидан ушлаб машинасининг орқа ўриндиғига мажбуран ўтқазиб, сурил, деди. Сўнг Миразимга яна бир бош силкиб, "кетдик" дегандек ҳайдовчининг елкасига уриб қўйди.

Икки-уч дақиқа жимжитликдан сўнг "сен қайси томонга?", деб сўради Саид.

— Трамвай йўлига чиққандан кейин иккинчи светофорда тушиб қоламан.

— Янги жой ўша ердами ё яна юриш керакми? Агар...

— Йўқ, ичкарига юз метрча юрилади, холос. Ўшетта, — ёлғонлади Юсуф. Чунки унинг борар жойи ё вокзал ёки Валерийнинг уйи эди. Тушиб қолишни мўлжаллаётган жойидан трамвай орқали ҳам унисига, ҳам бунисига бориш мумкин эди. Қолаверса, Саид ҳам йўлдан қолмайди — тўғри уйига кета беради.

Юсуф машинадан тушиб қолганда соат ўн иккига чоракта бор эди. У секин юриб трамвай бекатига келди. Бекатда яна кимдир трамвай кутиб ўтирарди. Юсуф ўриндиқнинг иккинчи четига омонатгина чўкди. Олдин вокзални мўлжал қилди, ахир, алламаҳалда бировнинг эшигини қоқиб кириш — хунук. Ҳа деганда, трамвай кўринавермагач, энди қайси томондан келса, ўшанга ўтиришга қарор қилди. Чунки қарши томон вокзалга олиб борарди. Лекин на унисидан, на бунисидан дарак йўқ эди. Соатга қаради, ўн иккидан йигирма минут ўтибди. Энди келмайди.

— Кечирасиз, чакишингиз борми? — Юсуф бошини кўтариб, таниш юзни кўрди. Лекин бирданига унинг кимлиги, қаерда кўрганлиги ёдига тушмади. Индамай чўнтагидан "Хон" қутисини чиқариб, қаради. Битта қопти. Уни қўлига олиб, қутини ғижимлаб аҳлат челагига ташлади.

— Бирга чекишамиз.

— Ия, бу сенми? — Нотаниш одам Юсуфнинг ёнига ўтирди...

**Улуғбек ҲАМДАМ**

---

## Дунё — кенг...

### КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА ТАРАДДУДИ

**Исроилдаги биофизик тадқиқотлар миллий маркази олимлари бу мамлакат ҳудудида кейинги эллик йил ичида Рихтер шкаласи бўйича олти баллдан кучли ер силкиниши содир бўлиши эҳтимоли бор, деган хулосага келишган. Олимлар бундай ташвишли хулосага келишда яқин шарқ ҳудудининг сейсмологик тарихи таҳлилига асосланишган.**

Исроил ер силкинишлари хавфи сақланиб турадиган ҳудудда жойлашган. 1927 йили бу ердаги зилзила чоғида юзлаб одамлар ҳалок бўлишган, минглаб иморатлар эса вайронага айланган эди.

Олимлар кутилаётган табиий офатдан камроқ талофат кўришнинг бирдан-бир чораси сифатида биноларнинг зилзилабардошлигига эътибор бериш зарурлигини таъкидлашмоқда. Агар ҳар қандай бино сейсмик талабларни ҳисобга олиб қурилган бўлса, ортиқча зиён етмайди, дейишмоқда улар. Бироқ бундай мулоҳазалар барча исроилликларни хотиржам қила олмайди. Яқинда махсус комиссия мамлакатнинг зилзила ва бошқа табиий офатларга қай даражада тайёр эканлигини ўрганиб чиқди. Комиссия ҳисоботида қайд этилишича, мамлакатдаги минглаб бинолар, жумладан, турар-жой бинолари ҳеч қандай сейсмологик талабларни инобатга олмай қурилган. Бу бинолар кучли ер силкинишида вайронага айланиши тайин.

Комиссия экспертларининг маълумотларига кўра, кучли ер силкиниши оқибатида ўн мингдан ортиқ одам ҳалок бўлиши, бундан икки баравар ортиқ одам яраланиши эҳтимоли бор. Ҳатто экспертлар табиий офатдан етадиган моддий зарарни ҳам ҳисоблаб чиқишди: моддий зарар ўндан эллик миллион долларгача етиш мумкин.

### БРИЖИТ БАРДО АЙТГАНИДАН ҚАЙТМАЙДИ

**Дунёга машҳур француз актрисаси Брижид Бардо ўзига муносиб машғулот топганига чорак асрдан ошди. Бу вақт мобайнида у ҳайвонларни ҳимоя қилиб келади. Кейинги пайтда Бардо жанубий кореяликлар билан муттасил «жанг» олиб бораётир.**

«Мени даҳшатга соладиган жойи шундаки, – дейди актриса, – кореяликлар итни сўйишдан олдин азоб беришаркан, шундай қилинганда жониворнинг қонида адреналин моддаси кўпайиб, гўштининг сифати ортар экан».

Брижит Бардо итлар ҳимоясига ҳатто Халқаро футбол федерациясининг президенти Йозеф Блаттер эътиборини ҳам тортди. Маълумки, футбол бўйича XVII жаҳон биринчилиги айни пайтда Япония ва Жанубий Корея майдонларида бўлиб ўтмоқда. Йозеф Блаттер Жанубий Кореянинг биринчиликни ташкил этувчиларига Бардо талабини етказди, бироқ хушламайроқ берилган жавобни олди. Жавобда маҳаллий ошхоналарнинг футболга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги қайд этилганди.

Таъкидлаш жоизки, ит гўштини истеъмол қилиш Жанубий Кореяда расман таъқиқланган. Бироқ жойларда бунга панжа орасидан қаралмоқда. Бироқ Брижит Бардо курашдан тўхтагани йўқ, унинг ҳар бир чиқиши жанубий кореяликларнинг асабига тегаётир. Кейинги пайтларда Париждаги Б.Бардо адресига ғазаб билан ёзилган хатлар кела бошлади. «Мен уларнинг нишонига айландим, – дейди актриса. – Менга таҳдид қилишади, ҳатто Интернет орқали алламбало фотомонтажларни тарқатишади. Шулардан биттасида мени қозиққа ўтказилган ҳолатда тасвирлашган. Одатда итларни улар шундай ҳолатда ўлдиришади. Бир гал мени ўз жонимга қасд қилганим ҳақида хабар тарқатишди».

Бундай ҳаракатлардан Брижит Бардо чўчиётгани йўқ. Бу аёл айтганидан қайтмайдиганлар хилидан.

### АНОЙИЛАРНИНГ КУШАНДАЛАРИ

**Бугунги кунда соддалиги, кўнгилчанлиги боис, қўлидаги пулини ё молини алдоқчи-ю товламачига бериб қўйиб, бармоғини тишлаб қолаётганлар ҳар қаерда топилади. Бироқ товламачиларнинг кўплиги-ю, уларнинг касри туфайли буду шудидан ажраб қолаётганларнинг сероблигидан Москва шаҳрининг олдига тушадиган шаҳар бўлмаса керак.**

Мана, «Труд – 7» газетасида эълон қилинган расмий маълумотларга эътибор қилинг: ўтган йили Россия бўйича 79,3 минг товламачилик жинояти қайд этилган. 2002 йилнинг биринчи чораги ҳисоботига кўра, бу турдаги жиноятлар сони ўсиб бораётир. Шу йилнинг январ-апрел ойлари Москвада 3269та товламачилик қайд этилган. Шундан 1088таси кўчаларда, майдон ва бозорларда содир этилган. Товламачилик Москвада ўтган йилдагидан кўра уч бараварга ортган.

Ўртача ҳар куни товламачининг қурбони бўлганлардан ўнтачаси ариза билан мурожаат этади (мурожаат этмайдиганлари қанча!) Шулардан атиги ярми очилади.

Қиморбозлигу турли хил ҳийла-найранглар билан одамлар пулини қоқиб олишга «ихтисослашган» бундай товламачи гуруҳларнинг Москвдаыги бир ойлик «даромади» 100 миллион долларни ташкил этаркан. Бу соҳанинг ортида эса жиддий криминал тузилмалар туришади ва «даромад»нинг тенг ярми уларнинг ҳамёнига тушади.

---

Маданият ишлари вазирлиги атоқли композитор, Ўзбекистон халқ артисти
**Мутал (Мутаваккил) БУРҲОНОВ**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси таниқли шоир
**Толиб ЙЎЛДОШ**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

---

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги санъатшунос профессор
**Омонулла АБДУРАЗЗОҚОВ**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Театр ижодкорлари уюшмаси Самарқанд вилояти театри солисти
**Жўра МИРПЎЛАТОВ**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Мурод ШАМБАЕВ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 470. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.